10.35 «Ойдин ҳаёт». Токшоу.
11.20 «Ҳамон ёдимда...»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иклим».
13.05 ТВ - анонс.
13.10 «Очиқ дастурхон».
13.40 Ҳинд киноси: «Пинхона».
16.25 ТВ - анонс.
16.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбек таомлари»
«Болалар сайёраси»:
16.50 «Қирол шер». М/ф.
18.20 «Шўрданак». Ҳажвий курсатув.
18.50 ТВ - анонс.
18.55 Ўзбек опера санъати юлдузлари концерти.
19.25, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 «Тахлилнома». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Т/с «Денгиздан томчи».
20.35 «Кўнгил қўшиқ истайди».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Тахлилнома».
21.40 «Заковат».
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Оқшом». Б/ф. Премьера.
00.35 Тунги наволар.
«Uzbekistan»
00.40 Курсатувлар дастури.
00.45 «Минг бир хунар».
01.00 «Тахлилнома». (рус).
01.30 ТВ - анонс.
01.35 «Ойдин ҳаёт». Токшоу.
02.20 «Ҳамон ёдимда...»
03.00 «Заковат».
04.00 «Тахлилнома».
04.40 ТВ - анонс.
04.45 Миллий кино: «Муҳаббат синовлари». 2-қисм.
05.50 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

06.55 «Yoshlar» салони.
07.00 «Якшанба нуношта».
07.20 «Табассум қил!»
07.30 «KINOMANIYA».
08.00 Киноклассика: «Одам-амфибия».
09.35 «Ҳаётбахш наволар».
09.40 «Соғлиқ - бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Дил пайванди». Т/с.
11.25 «Ўзбек адабиёти».
11.30 «Болалар давраси».
12.00 «Эртақлар оламида».
13.15 «Болалар табассуми».
13.25 «Ўзбек адабиёти».
13.30 «Шерюрак». Т/с.
14.15 «Тошкент-2200».
14.20 «Камолот».
14.30 «Эверест».

15.00 «Ипак сеҳри».
15.35 «Ўзбек адабиёти».
15.40 «Айланай...»
16.00 «Жумонг». Т/с.
17.10 «Yoshlar-FM».
17.30 Миллий кино: «Сирли сиртмоқ».
18.50 «Тошканди азим».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Рўзгор мактаби».
20.00 «Тараннум»
20.40 «Ўзбек адабиёти».
20.45 Ҳинд киноси: «Жоним фидо».
23.40 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.20 Курсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Репортаж».
9.50 «Тошкент-2200».
9.55 «Телекуррьер-маркет».
10.15 «Истеъдод».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Афиша».
10.50 Ўзги таътил кунларида: «Нэнси Дрю». Б/ф.
12.25 «Тошкент-2200».
12.30 «Анонс».
12.35 «Саргузаштлар ороли».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Анонс».
14.05 «Аршин мол-олон». Аброр Хидоятлов номли драма театрнинг спектакли.
15.30 «Карвонсарой».
15.40 «Камбағал ва малика». М/ф.
16.55 «Болаликка қайтиб».
17.15 «Тошкент-2200».
17.20 «Нима учун?»
17.50 «Телекуррьер-маркет».
18.10 «Сардор-2». Б/ф.
20.00 «Анонс».
20.05 «Тошкентда латифа».
20.10 «Телекуррьер-маркет».
20.30 «Тошкент оқшомлари».
21.00 «Анонс».
21.05 «Все о туризме».
21.35 - 23.35 «Проблеск гениальности».
«Дневной свет».
«Шестое чувство».

«Sport»

08.00 «Бодрое утро».
09.00 «Хабарлар» (рус)
09.20 «Кувнок стартлар».
10.00 «Хабарлар»
10.25 «АВТОГраф».
10.50 Чемпионат мира по футболу. Курс - Южная Африка.
11.20 «Аптека слушает».
12.10 Интерфутбол.
17.25 «Версия».
17.55 Футбол. Конфедерациялар кубоги. 3-урин учун.
19.50 «Виолет спорти».
20.55 «Такдир чизгилари».
21.30 «Талкин». Информацион-таҳлилий курсатув.
22.05 «Профринг».
22.55 Теннис. Уимблдон турнири.
23.25 Футбол. конфедерациялар кубоги финал.
01.20 «Тунингиз осуда бўлин!»

«Первый канал»

5.00, 9.00, 11.00 Новости.
5.10 Фильм «Каждый день доктора Калининской».
6.45 Смак.
7.20 «Служу Отчизне!».
7.50 Умники и умники. Финал.
9.25 «Непутевые заметки».
9.40 «Пока все дома».
10.25 Фазенда.
11.10 «Неизведанный Китай: Тибет».
12.05 «КВН».
13.40 «Ералаш».
14.00 Комедия «Где находится нофелет?».
15.25 Фильм «Последний герой боевика».
17.35 «Золотой граммофон».
20.00 «Время».
21.00 «Большая разница».
22.05 Комедия «Четыре звезды».
23.50 Дневник 31-го Московского Международного кинофестиваля.
0.00 Фильм «Противостояние».
1.30 Фильм «Пятьдесят на пятьдесят».
3.00 Серил «Богатство».

«Россия»

4.50 Фильм «...А зори здесь тихие».
8.10 Фильм «Мысли о свободе».
10.00 Вести.
10.50 «Городок».
11.20 К 60-летию. «Алтайский самородок. Панкратов-Черный».
12.15 Парламентский час.
13.00 Вести.
14.00 «Честный детектив».
14.40 «Смеяться разрешается».
16.30 Фильм «ТРИ ПОЛУГРАЦИИ».
19.00 Вести.
20.05 Фильм «Героиня своего романа».
22.00 Фильм «Любовник».
0.05 Комедия «Лучшие друзья».
2.15 Фильм «Кто грохнул Памелу?»
3.40 Футбол. Обзор Кубка Конфедераций.

НТВ

5.10 Детектив «ДЕЛО №306».
6.30 «Дикий мир».
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
7.20 «Русское лото».
7.45 Их нравы.
8.25 Едим дома.
9.20 Спасатели.
9.50 «Quattroruote».
10.25 Авиаторы.
11.00 Дачный ответ.
12.20 Фильм «НЕОКОНЧЕННАЯ ПОВЕСТЬ».
14.05 Своя игра.
15.20 Борьба за собственность.
16.00 Серил «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
18.55 Чистосердечное признание.
19.25 Чрезвычайное происшествие.
20.00 «Главный герой».
21.00 Боевик «КАРТОЧНЫЙ ДОЛГ».
23.00 Боевик «РОНИН».
1.20 Детективный серил

«ЗАКОН И ПОРЯДОК».
2.20 Серил «КОШМАРЫ И ФАНТАЗИИ».
4.10 Серил «АЭРОПОРТ».

ТВ 3

7.00 «80 чудес света». Док. серил.
8.00 Мультфильмы.
8.30 Мультфильм «Секретные материалы псов-шпионов».
9.00 Мультфильм «Бетховен».
9.30 Мультфильм «Человек-паук».
10.30 Х/ф «ПО СЕМЕЙНЫМ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАМ».
13.00 «КОЛЛЕКЦИЯ». Теле-серил.
15.00 «80 чудес света». Док. серил.
16.00 Док. фильм «Последние солдаты Тунгуски».
17.30 Х/ф «ИСТОРИЯ О ТРИСТАНЕ И ИЗОЛЬДЕ».
20.00 Док. фильм «Городские легенды. ВДНХ. Место исполнения желаний».
21.00 Х/ф «ВСЕГО ЛИШЬ ВРЕМЯ».
23.00 Х/ф «ПЕРЕКРЕСТОК МИРОВ».
1.00 Х/ф «ЛЮБОВЬ В СТИЛЕ САЛЬСА».
3.00 «Покер после полуночи».
5.00 Х/ф «КОНТРАБАНДИСТЫ».

ТНТ

5.00 «Как говорит Джинджер». Мультсерил.
6.00 «Жизнь и приключения робота-подростка». Мультсерил.
7.20 «САША + МАША». Комедия.
7.45 «Первая Национальная лотерея».
8.00, 20.00, 0.40, 2.05 «Дом-2».
9.00 «Школа ремонта».
10.00 «Жизнь после славы». Док. фильм.
11.00 «Мама, я беременна». Док. фильм.
12.00 «Смех без правил».
12.00 «ТЕРМИНАТОР».
Кино.
15.00 Кино «БУМЕР. ФИЛЬМ ВТОРОЙ».
17.20 «Женская лига».
19.00 «Битва экстрасенсов».
21.00 «Комеди Клуб».
22.00 «Женская лига». Комедия.
22.30 «Смех без правил».
23.35 «Убойной ночи».
0.10 «Секс» с Анфисой Чеховой.
1.10 «Необъяснимо, но факт».
3.00 «Запретная зона».
4.50 «САША + МАША».

СТС

7.00 «ДРАКОН. РАССКАЗ О ЖИЗНИ БРЮСА ЛИ». Х/ф.
9.20 «Смешарики». Мультсерил.
9.30 «Леонардо». Мультсерил.
10.00 «Том и Джерри». Мультсерил.
10.15 «Самый умный».
12.00 «Галилео».
13.00 «Снимите это немедленно!»
14.00 Комедия «ДОМ КУ-

ВЫРКОМ».
15.30 Мультсерил.
17.00 «6 кадров».
19.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
21.00 «6 кадров»
22.00 Кино «ДИ О ЭЙ».
23.30 «Даешь молодежь!» Комедия.
0.30 Кино «РОЖДЕННЫЙ ЧЕТВЕРТОГО ИЮЛЯ».
3.10 Кино «ТРЕНЕР КАРТЕР».
5.25 «ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ». Х/ф.
6.10 Музыка.

ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00 «Каламбур».
9.00 Тысяча мелочей.
9.30-12.10 Мультфильмы.
12.30 Фильм «АГЕНТЫ КГБ ТОЖЕ ВЛЮБЛЯЮТСЯ».
14.30 «Каламбур».
15.30 Фильм «УГРОЗА ВТОРЖЕНИЯ».
17.30 Детектив «ОДНА ТЕНЬ НА ДВОИХ».
19.30 «Смешнее, чем кролики».
20.00 «Брачное чтение».
21.00 Фильм «ФАРТ».
23.00 Детектив «СЛЕД».
0.00 Детектив «С.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬЮ-ЙОРК-3».
1.00 «Брачное чтение».
1.30 «Смешнее, чем кролики».
2.00 Фильм «УГРОЗА ВТОРЖЕНИЯ».
3.45 Клуб детективов.
5.45 Док. серил «Безумства храбрых».

7 ТВ

6.00 Super-утро.
10.50 Кубок Volkswagen Polo. Этап № 4 (Норсринг, Германия).
11.20 Мир подводной охоты.
11.35 Под водой с...
12.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».
12.05 X-treme 99.9.
12.35 Спортивная неделя Подмосковья.
13.00 Диалоги о рыбалке.
13.30 Евросерия F-3.
14.35 Кубок Porsche Carrera. Этап № 3.
15.10 Планета рыбака.
15.30 Основной инстинкт.
15.40 Клуб покорителей пространства.
16.00 Клиф-дайвинг.
16.30, 21.35 Zero Gravit.
17.00 DTM. Этап № 3.
18.30 Звезда автостряды.
18.40, 22.05 За пределом.
19.05 Суперкубок Seat Leon.
19.40 Superstars Championship-2009.
20.10 Чемпионат Европы по гонкам грузовиков.
20.40 Серфинг.
21.05 Volvo Ocean Race.
22.20 Wrestling: опасная зона.
23.05 Пул.
0.05 X-treme 99.9.
1.05 Покер.
2.05, 3.05, 4.05 Спортманья.
5.05 Формула успеха.

СПОРТ ... СПОРТ ... СПОРТ ... СПОРТ ... СПОРТ ... СПОРТ ... СПОРТ ... СПОРТ ... СПОРТ ... СПОРТ ... СПОРТ ...

МУСОБАҚАЛАР МУРОСАСИЗ ЎТДИ

Марғилон шаҳридаги 29-ўрта мактаб ҳамда Учкўприк тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Фарғона вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида волейбол бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.

Беллашувларда жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашди. Мусобақанинг Учкўприк туманидаги баҳсларда Қўқон шаҳар ИИБ 2-ЎХБ, Қўқон шаҳар ИИБ ППХ, Қўқон шаҳар ИИБ, Ўзбекистон, Бешарик, Фурқат, Данғара, Бувайда, Бағдод, Сўх, Олтиариқ, Учкўприк, Риштон туманлари ИИБлари жамоалари беллашдилар. Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган баҳсларда эса вилоят ИИБ, ППХ ва ЖТСБ, махсус отряд, ЖК ва ТҚҚБ, МХХБ, ЙХХБ, ЁХБ, Қуриқлаш бошқармаси, тергов ҳибсхонаси, Марғилон, Куvasой, Фарғона шаҳар, Охунбобоев, Тошлоқ, Кува, Фарғона туманлари ИИБлари жамоалари голиблик учун кураш олиб боришди.

Мусобақанинг финал босқичи Марғилон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда иккала гуруҳда юқори натижа кўрсатган жамоалар голиблик учун ўзаро беллашдилар. Мурасасиз кечган мусобақа якунига кўра биринчи ўрин Марғилон шаҳар ИИБ жамоасига насиб этди. Иккинчи ўринга Бувайда тумани ИИБ, учинчи ўринга эса Сўх тумани ИИБ жамоалари лойиқ, деб топилди.

Голиб жамоалар ва спортчиларга «Динамо» ЖТСЖнинг Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Абдувосит СИДДИКОВ.

Фарғона вилояти.



Тадбирни вилоят ИИБ бошлиғи, полковник А. Ибрагимов очиб, кинология хизмати ходимлари томонидан қўлга киритилаётган ютуқларга тўхталди.

Шундан сўнг танлов иштирокчилари турникда тортилиш, 100 ва 3000 метрга югуриш, қўл жанги усуллари, 50 метрга сузиш, Макаров пистолетидан ўқ отиш ва саф тайёргарлиги машғулотлари ҳамда ИИБ меъриёи ҳужжатлари бўйича тест синовлари топширишди. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига биноан вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ хизмат итлари питомниги, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, вилоят ИИБ ЙХХБ

НАВБАТ — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Хоразм вилояти «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятида «Намунали питомник», «Намунали кичик питомник», «Намунали ЙПХ маскани», «Кинология хизмати аълочиси» ҳамда «Намунали вақтинча сақлаш ҳибсхонасининг аълочи милиционери» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Тупроққалъа» ЙПХ маскани ҳамда Хива тумани ИИБ кичик кинология питомниги голиб, деб топилди.

«Намунали вақтинча сақлаш ҳибсхонасининг аълочи милиционери» кўрик-танловида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ вақтинча сақлаш ҳибсхонаси милиционери, сержант Иззат Жумабоев, «Кинология хизмати аълочиси» кўрик-танловида эса вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ хизмат итлари питомниги кинолог-милиционери, кичик сержант Мақсуд Саидов биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, мусобақада вилоят ИИБ



Суратларда: вилоят «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятида ўтказилган кўрик-танловдан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Сирдарё вилояти ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, майор Шухрат АЛИМОВни туғилган кун билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, хизматида омад ёр бўлишини тилаймиз.

Эҳтиром ила ҳамкасблари.

СУРАТ БИЗДАН, ИЗОҲ СИЗДАН

«КИМНИНГ ПАНЖАСИ КУЧЛИ?»

Газетамизнинг 6 июнь сонидан берилган ҳазил-суратга келган изоҳларнинг сони кўп бўлмаса-да, муштарийларимиз уни илиқ кутиб олишгани кўриниб турибди. Йўлбарс панжасига кўлинни уриб турган болакай суратини муштарийларимиз қизиқарли изоҳлашга ҳаракат қилишган. Куйида улардан айримларини ҳавола этамиз.

Навоий вилояти ИИБга қарашли жазони ижро этиш муассасаси ҳайдовчиси Азамат Мингбоев шундай изоҳлаган:

Кеча кўпроқ сут ичиб, Кайфим бўлибди тароқ. Йўлбарс билан олишдим Уни мен ўйлаб бароқ.

Чирчиқ шаҳридан Лена Маҳмудова шундай жавоб йўлаган:

Тўхта, йўлбарс тўхтагин, Узоқларга кетмагин.

Аям берган бутқани, Еганингни айтмагин.

Тошкент вилояти Тошкент туманидан Зебохон Абдуллаеванинг изоҳи билан танишинг:

Бола: «Дадам, ойим кетишди,

Энди нима қиламиз?»

Йўлбарс: «Икковимиз думалаб,

Роса маза қиламиз».



Шунингдек, Сирдарё вилояти Ховос шаҳридан Ю. Кенжаев ҳазил-суратни «Кел йўлбарс, курашамиз», Хоразм вилояти Шовот туманидан М. Матниёзова эса

«Йўлбарсжон кетма, яна бироз ўйнайлик», Жиззах вилояти Фориш туманидан Н. Эгамов «Кимнинг панжаси кучли» дея изоҳлаган. Шу ўринда, бизга мактуб йўллаган ва кўнғироқ қилган ИИБ «ЖАР» ССМ ходими Р. Жалилов, Фарғона вилояти Кува туманидан Б. Каримов, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳридан Е. Алламуратовларга миннатдорчилик билдириб, навбатдаги ҳазил-суратни эътиборингизга ҳавола этамиз.



Бунисига нима дейсиз?!

Изоҳларингизни мактуб ёки 231-48-41, 254-37-91 рақамли телефонлар орқали билдиришингиз мумкин.

САЛОМАТЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ДИАРЕЯДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Диарея – ўткир юқумли ичак касалликларидан биридир. У кўп ҳолларда дизентерия, ошқозон ичак фаолияти бузилиши, ўткир энтероколит каби касалликларга ўхшаб кетади. Диарея иклим шароити иссиқ ва қуруқ бўлган, тоза ичимлик суви муаммо бўлган ҳудудларда кўпроқ учрайди.

Республикамизда ушбу касаллик кейинги йилларда камайётган бўлса-да, ёш болалар ўртасида учраб турибди. Ёзнинг иссиқ кунларида полиз маҳсулотлари ва ҳўл меваларни ювмасдан истеъмол қилиш касалликка чалинишга олиб келади. Аниқроқ қилиб айтганда, шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя этмаслик, қайнатилмаган сувни истеъмол қилиниши натижасида касалланиш мумкин.

Диареяга чалинган кишида тез-тез ва суюқ ич кетиши кузатилади. Шунингдек, ахлатни қон аралаш келиши, қориннинг дам бўлиши, кўнгил айнаши, иштаҳанинг пасайиши ёки йўқолиши, ҳолсизлик, ҳароратнинг кўтарилиши, чанқаш, лаб ва тилнинг қуриши, организм сувсизланиши каби бир қатор клиник белгилар намоён бўлади. Тана сувсизланишини ўз вақтида ва тўғри даволанмаса беморни ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин.

Диарея боғча ва мактаб ёшидаги болалар орасида

кўпроқ учрайди. Шунинг учун фарзандларимизни шахсий гигиена қоидаларига риоя этишларини назорат қилиб, уларга тоза ва ифлос қўллар тўғрисида кўпроқ маълумотлар беришимиз зарур. Касаллик ўз вақтида ва тўғри даволанмаса (айниқса, ёш болаларда) оғир оқибатларга олиб келади.

Диарея касаллигини уй шароитида, беморга кўп суюқлик бериш ҳамда уни одатдагидек овқатлантириш орқали даволаш мумкин. Касаллик даврида бемор организмда йўқотилган суюқликнинг ҳамда микроэлементлар ўрнини тўлдириш ва сувсизланишнинг олдини олиш мақсадида беморга у хоҳлаганича суюқлик, яъни тоза ва қайнатилган сув, гуруч қайнатмаса, ҳамда Регидрон ёки ОРС (орол регидратация суюқлиги) каби махсус эритмалардан ичириш лозим. Бемор, айнақса, болалар диареядан соғайиб кетгач, организм ўз фаолиятини қайта тиклаб

олиши учун икки ҳафта давомида, унга одатдагидан кўра кўпроқ дармондори ҳамда микроэлементларга бой овқат бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу касалликнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида биринчи навбатда шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя этиш керак. Овқатланишдан олдин қўлни совунлаб ювиш, ҳўл мева ва сабзавотларни истеъмол қилишдан олдин водопровод сувида ювиш лозим. Ичимлик учун ҳар доим тоза, қайнатилган сувдан фойдаланиш, бозордан сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотларини тўғри сақлаш керак. Тайёр пишиган овқат маҳсулотларини 2-4 соатдан кейин истеъмол қилмаслик, тайёрланиш ва сақланиш шароитлари санитария талабларига жавоб бермайдиган, яроқлилик муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олмаслик ва истеъмол қилмаслик тавсия этилади.

Агар касаллик жиддий тус олиб тана ҳарорати кўтарилиб кетса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилинг. Аммо шифокор маслаҳатисиз фарзандингизга дори-дармон берманг.

М. АЛЛАМУРАДОВ,
ИИБ СЭНБМ бўлим
бошлиғи ўринбосари,
майор.

УРАЛ МАРДИЕВ



Бешафқат ўлим ички ишлар идоралари фахрийси, меҳрибон устоз, истеъфодаги полковник Урал Мардиевни орамиздан олиб кетди.

У. Мардиев 1922 йилда Самарқанд вилоятида таваллуд топди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, ғалабага ўз ҳиссасини қўшди. Урушда жарланиб юртига қайтгач, ички ишлар идораларидаги хизматини 1944 йилда бошлаган эди.

У. Мардиев кўп йиллар ички ишлар идораларининг турли тизимларида хизмат қилди. Фаолиятининг сўнгги йилларида ички ишлар идоралари ҳузуридаги муассасадан ташқари қўриқлаш хизматида ишлади.

У. Мардиев республикада жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишда фаол иштирок этди. Шунингдек, мамлакатимиз ички ишлар идораларини такомиллаштириш борасида ҳам самарали ишларни амалга оширди. Қайси соҳада, қаерда хизмат қилмасин ўзини соҳанинг етук билимдони, талабчан ва меҳрибон раҳбар сифатида кўрсатди. Ички ишлар идораларида ўз обрўйига эга бўлди, эл-юрт ичида иззат-ҳурмат топди.

У. Мардиев 1981 йилда нафақага чиққан бўлса-да, жамоат ишларида фаол қатнашди. Ички ишлар ходимларини Ватанга, бурчга, касбга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш борасидаги тadbирларда қатнашиб, ўзининг кўп йиллик амалий билим ва кўникмаларини ёш ходимларга ўргатиб келди.

Унинг ички ишлар идораларидаги кўп йиллик хизматлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Малакали мутахассис, билимдон ходим, доно раҳбар, меҳрибон устоз ва содиқ дўст Урал Мардиевнинг хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамыз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.

ҲУКМ ҲҚИЛДИ

Тахтақўпирлик Ержигит хотинининг дийдиёсидан тезроқ қутулиш учун топган пулини чўнтагига жойлаб мол бозорига йўл олди. Олибсатарларга чув тушиб қолмай деб, эҳтиёткорлик билан сигирларни кўра бошлади. Баногоҳ, бузоқли сигирни ушлаб турган таниши Ерполатни кўриб, севиниб кетди.

– Сени учратганим яхши бўлди, рўзгорбоп сигир олмоқчи эдим. Айрон, қатик сўраб қўшнилари чикиш жонга тегди, – деди у қувончини яширмай.

– Мен ҳам анча йиллардан бери акам ва оиламизни боқиб келаётган серсут, юввош сигирим бегонага кетмасайди, деб кўнглим хижил бўлиб турганди. Акам иморат кўтармоқчи, шунга маблағ етмаётгани жониворни сотишга мажбур қилди, – деди Ерполат.

Ержигитнинг сигир билан кириб келиши чинакам байрамга айланиб кетди.

Айниқса, болалар бузоқнинг атрофида парвона бўлиши унинг кўнглини тоғдек кўтариб

юборди. Ўғли сигир олганини эшитиб, онаизори ҳам келиб, елини тўлиб турган сигирни сийпалаб, дуо қилди. Афсуски, уларнинг бу қувончи узоқ чўзилмади. Эрталаб сигирни соғишга чиққан Жузимгул охурдаги ўтни қандай ташлаган бўлса шундайлигича турганини кўриб, ҳушёр тортиди.

– Сигир келгандан бери ўт емади, сув ҳам ичмади, – деди у ташвишланиб.

– Бироз кутайлик, балки жойи ўзгарганига шундай бўлгандир. Сен ҳам бировникига бориб қолсанг анча пайтгача кўникишинг қийин кечади-ку, – деди Ержигит кўнглидаги хавотирни хотинига сездирмаслик учун.

Икки кун давомида жонивор ем-хашакларга қиё ҳам боқмади. Аксинча, дақиқа сайин сўлиб борарди. Ержигит Ерполатни топди-да, сигирни олиб, пулларини қайтариб беришни талаб қилди. Ерполат пулларни акаси ишлатиб юборгани, бир-икки кун ичида топиб беришини айтди. Ержигит бироз ҳовуридан тушиб, уйига келди-да сигирни парваришlash билан овора бўлди. Ҳадеганда сигир ўзига келавермагач, ветеринария шифокорига мурожаат

қилди. Молни текшириб кўрган мутахассис касаллик анча ўтиб кетганлиги учун уни даволаб бўлмаслиги, шунингдек, гўштини ҳам истеъмол қилиш мумкин эмаслиги ҳақида хулоса берди. Тунда бузоқнинг юракни эзувчи маъраши эшитилди. Ержигит хотини билан молхонага кирганида сигир тўрттала оёғини узатганча қотиб ётарди. Ержигит тонг ёришишини ҳам кутмай Ерполатни безовта қилди. Молнинг касаллигини билатуриб сотгани, алдагани учун аламини тўкиб солди.

Ерполат эса:

– Мендан мол олганинда соппа-соғ

эди. Уйингга боргандан кейин касалланган, ёмон ем-хашак бергансан. Қаерга борсанг боравер,

сенга берадиган пулим йўқ, – деб ҳақорат қилди. Ержигит уйига жуда ёмон кайфиятда қайтди, аламини яна хотинидан олди.

– Агар сен сигир олиб бер деб, миямга қурт бўлиб тушмаганинда бу ҳол бўлмасди. Ҳечқиси йўқ, мен у номардга ҳали кўрсатиб қўяман.

– Номардга номардлик билан жавоб қайтарма. Куч ишлатиб мақсадимга етаман, деган фикрни хаёлингдан чиқар. Яхшиси тегишли идораларга учрашгин ўғлим, – деб насиҳат қилди онаси.

Ержигит жаҳлига эрк бермай, онаси айтгандек иш тутиб, ички ишлар идорасига мурожаат қилди. Мазкур мижарони кўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Чимбой туман суди даъвогарнинг аризасини қаноатлантирди. Жавобгар шахслар эса бундан норози бўлиб, яна «гилам»га чиқишди. Энди уларга фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ҳакамлик қилди ва қуйи суднинг қарорини ўзгаришсиз қолдирди. Шу тариқа Ержигитга етказилган моддий зарар ундириб олинди.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ,
«Постда» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси.

ОДАМ САВДОСИ – ЖИНОЯТ

ҲОТАМТОЙ ҚИЁФАСИДАГИ ТОВЛАМАЧИ

Аёл – ҳаёт гултожи, эзгуликлар яратувчиси, меҳридарё она, мунис опа-сингил, хонадон фариштаси, авлодларимиз давомчиси, муқаддасу мўътабар зот. Уни ҳар қанча таърифласак ҳам шунча камдек туюлади гўё. Бугун аёлларимиз барча жабҳада астойдил фаолият кўрсатишяпти. Уларнинг ҳаракатлари билан ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Бирок гуруч курмасиз бўлмаганидек, баъзан жиноят кўчасига қадам босган аёллар ҳам учраб туради. Уларнинг тақдирига ачинаб кетасан киши. Бу тоифа аёлларнинг қилмишлари ҳам турлича: ўғрилиқ, ноқонуний валюта савдоси, одам савдоси билан шуғулланиш, ўзгаларга тан жароҳати етказиш, ҳатто қотилликка қўл ураётганларини кўриш мумкин. Ачинарлиси, аёл ўз ҳамюртини фоҳишалikka етаклаб, унинг танаси эвазига бойлик орттиришни кўзласа. Бу аёллик шаънига иснод эмасми?!

... Асли Пешку туманидан бўлган Норбибиш Сафарова оилали, қарамоғида икки нафар фарзанди бор. Ёши олтимшига қараб кетаётган, ҳаётнинг паст-баландини биладиган, турмушнинг аччиқ-чучугини татиган, оқ-қорани ажрата оладиган, эсли-хушли аёлни одам савдосидай жирканч иш билан шуғулланишга нима мажбур қилди? Ахир у бировни йўлдан урадиган ёшда эмас эди-ку?! Осон йўл билан бойлик орттириш Норбибишнинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйди.

Норбибиш Сафарова дастлаб Қ. Маҳмудни (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўз тузоғига илинтиради. Корейс миллатига мансуб йигит билан тил бириктирган аёл: «Ўлжа»га хориждаги тўқимачилик корхонасида ишлайсан», деб ваъда беради. Шундан сўнг одамфурушлар йигитни олиб, самолётда Жанубий Кореяга учишади. Сеул шаҳрида Норбибиш Маҳмуднинг фуқаролик паспортини олиб қўйиб, унинг ҳуқуқларини чеклайди.

Мўмайгина пулни қўлга киритиб, «илҳомланган» аёл яна ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттиради. Фуқаро Г. Алимовани ҳам авраб хорижга олиб борган Норбибиш жувонни ҳамтовоқларига жами тўққиз минг АҚШ долларига сотиб юборади. Янги «хўжайин»лар аёлни фоҳишалikka билан шуғулланишга мажбурлашади. Одамфурушлар Ш. Салимовани ҳам худди буюмдек пуллашади...

Алданиб, бегона юртда хор-зор бўлган жабрдийдалар қийинчилик билан ўз юртларига қайтишиб, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этишади.

Суд ҳукми ўқилди. Айбланувчилар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига асосан жазога тортилди.

Алихон НАИМОВ,
подполковник.
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист.

Бухоро вилояти.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғи, подполковник Алишер Султоновга падари бузруквори
ФАРРУХ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Моддий-техника таъминоти бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги подполковник Абдуракул Маликовга қизи
НАБИРАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» Бирлашмаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бирлашма инспектори, капитан Ш. Ҳайтовга падари бузруквори
ШАРИП отанинг
вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор
Тоҳиржон ЎРИНБОЕВнинг
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Мўйноқ тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Байрамбай Нажиматдиновга отаси
Сипатдин НАЖИМАТДИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент аэропортидаги тармоқ ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор Б. Абдиоровга отаси
Қуватбек АБДИРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БЕТОЙИМ

ДОИМ ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Фаргона вилояти Маргилон шаҳар ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, лейтенант Азизахон Бўроновани доимо ёшлар давра-расида учратасиз. Қарийб ўн йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилаётган Азизахон Янги Марги-

лон шаҳарчаси ҳудудидаги 15 ва 25-умумтаълим мактаби, маиший хизмат кўрсатиш касб-хуна-р коллежи ўқитувчи ва мураббийлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган.

У мазкур илм даргоҳларига тез-тез ташриф буюриб, ёшлар онгида жиноятчиликнинг турли кўринишларига қарши

курашиш ҳиссини шакллантиришга интилади. Улар билан суҳбатлашар экан, бевосита орзу-ўйлари, мақсадлари билан қизиқади, керакли йўл-йўриқлар беради, ўз маслаҳатларини аямайди. Шунданми, ўқувчи-ёшлар Азизахон Бўронованинг суҳбатига ошиқиб турадилар.



Суратда: лейтенант Азизахон Бўронова 25-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан суҳбатлашмоқда.

Абдувосит СИДДИКОВ олган сурат.

АЁЛ САДОҚАТИ

Қарс икки қўлдан чиққанидек, эркак ҳам аёл садоқатини муносиб баҳоламоғи, унинг кадр-қимматини ва иззат-ҳурматини жойига қўймоғи даркор. Аёл кишини аёл бўлиб яралгани учун ҳам эъозлаш ва қадрлаш лозим. Буни олдиндан башорат қилган Муҳаммад Пайгамбар (с. а. в) эрни ҳам, аёлни ҳам ўзаро садоқатли бўлишга, пок, ибодли ва марҳаматли бўлишга чақирганлар, айниса, эрларни ўз аёлларига нисбатан самимий ва шафқатли муносабатда бўлишга даъват этганлар... Расули акрам: «Аёлларга эркаклар ўз туғишган опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак»лигини, уларга жисман ҳам, маънан ҳам озор бермасликни уқтирганлар.

Эрнинг аёлига, аёлнинг эрига вафо ва садоқати оила барқарорлигининг асосидир. Эркак оиланинг устуни бўлса, аёл унинг чирогидир. Бинобарин, севган одам севилиши, севилган одам севилиши, севилган одам севиши керак. Бас, шундай экан, садоқатли эр аёлини бир нозик гул, деб билмоғи ва қадрламоғи лозим. Аёл олтин узук бўлса, эр унга қўйилган ёқут кўздир.

Саъдий Шерозий айтганлар:

Хотин бўлса қобилу акли расо,
Эрни шоҳ этар гарчи бўлса гадо.

Юқорида баён қилинганлардан мантиқан шундай хулоса келиб чиқадики, аёл киши садоқатли бўлиши учун мустаҳкам иродали бўлиши, ўз кадр-қимматини, номус ва иффатини кўз қорачигидек сақламоғи даркор. Агар у вафо ва садоқатдан юз буриб, хиёнат йўлига ўтса бас, ор-номус топталади. Ширин ва ҳалол турмушга ҳаром оғу аралашади. Тотув оила шаънига доғ тушади ва у барбод бўлади, бегуноҳ болалар эса тирик етим бўлиб қоладилар. Ҳазрат Навоий ўз вақтида бундай гуноҳи азимнинг асл моҳиятини фош қилиб: «вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кишида бу икки йўқ – иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ – андин одамийлик келмоққа имкон йўқ», деганлар.

Ўзаро садоқатнинг кучи эр-хотинлик бурчини чуқур англаш ва уни оғишмай бажаришдир. Демак, жамият, оила ва фарзандлар олдидаги масъулиятли вазифаларни тўла-тўқис бажариш учун икки томон ҳам баб-баравар курашмоғи даркор.

Шоиноят ШОАБДУРАХИМОВ,
меҳнат фахрийси.

Мен бу хизматни ички ишлар тизимининг «мияси»га ўхшатгим келади. Чунки у деярли барча соҳавий хизматлар билан узвий боғлиқ. Агар бу хизмат бўлмаса, шундай катта тизимдаги ахборотларни жамлаш, саралаш, етказиб бериш жуда мушкул бўларди. Сезганингиздек, бу Ахборот марказидир. Юксак технологиялар шарофати билан вилоят ички ишлар бошқармаларининг Ахборот марказлари эндиликда интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри республика ИИБ ахборот маркази билан боғланиб, керакли маълумот олишлари, бу ерга ахборот жўнатишлари мумкин. Бу эса вақтнинг тежалишига, хизмат самарадорлигининг ошишига, жиноятларнинг «иссиқ изида» очилишига имкон яратаяпти.

Қашқадарё вилояти ИИБ Ахборот маркази ҳам барча замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган. Бу ерда ишлаётган операторларнинг тезкорлигини кўриб, беихтиёр «Қойил!» деб юборасиз. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни ҳисобга олувчи оператор, сафдор Зилола Бобоева ҳам ана шу даргоҳда хизмат қилади.

1991 йил. Ўн етти ёшли Зилола ота-онаси олдида шошяпти. Қиз бир янгилик айтиб уларни хурсанд қилмоқчи. У болалигида акаларининг кўйлагини кийиб, елкасига қоғоздан ясалган погон тақиб оларди. Ўша пайтлардаёқ ички ишлар идораси ходимаси бўлиш орзусида эди. Бугун ўша орзусига етиш йўлида илк қадамни қўйди. У қанча синовлардан ўтиб, вилоят ИИБ Ахборот маркази эркин ёлланган ходимаси этиб тайинланди. Бу хабарни ота-онаси эшитиб, роса қувонишди.

Йиллар инсон умрининг бетакрор лаҳзаларини

ЗИЛОЛАНING ҚУВОНЧИ

олиб, бир-бирини қувиб шиддат билан ўтаверади. Кеча бешикда ётган чақалоқ бугун мактаб битирувчиси, эртага бирор олий ўқув юрти талабаси.

Зилола опанинг ҳам наздида йиллар жуда тез ўтди, гўё... Кечагина унга устозлик қилган подполковник Раҳима Ҳайитова бугун истеъфода, неварачеваралар қуршовида кексалик гаштини суряпти. Майор Ғофур Тошпўлатов бугун орамизда йўқ. Бироқ шогирдлари уни ҳамон меҳр билан эслашади, устозларидан олган ўғитларини йиллар чархида қайраб, бойитиб издошларига етказишяпти. Ҳаётнинг шиддатли оқимидан ўз мақсадлари сари йўл оча олган сафдор Зилола Бобоева

уларга муносиб шогирд бўлмоқ илинжида ҳамон ўқийди, изланади.

– Ахборот марказининг етакчи мутахассиси, майор Сайёра Тоштурдиева ҳам менинг устозим. Ҳанузгача у кишидан маслаҳатлар олиб тураман, Сайёра опа билан ишлаш мен учун мароқли, – дейди қахрамонимиз кўзларида қувонч порлаб.

Туман ички ишлар бўлимларидан олинган маълумотларни саралаш, интернет тизими орқали ИИБга жўнатиш, сўралган жойга тақдим этиш бир қараганда осондек туюлади. Аслида эса, бу ҳар бир оператордан хушёрлик, тезкорлик, синчковликни талаб қилади. Зилола опа ҳам айни шу хислатлари сабаб

рахбарият назарига тушди, ҳамкасбларининг ҳурмати-ни қозона олди. Бир-бирини шамолдек қувлаб ўтаётган йиллар мобайнида у Қарши давлат университети қошидаги бизнес мактабни ҳуқуқшунос ихтисослиги бўйича тугатди, маҳсус фондлар бўйича катта назоратчи бўлди. Энг асосийси, болалик орзуси – рўёбга чиқди, шаходатланган лавозимга ўтказилди, эгнига ички ишлар ходимаси либосини кийди.

Сафдор Зилола Бобоеванинг ҳали орзу-ниятлари бисёр. Унинг чақнаб турган кўзларидаги қатъиятнинг кўриб, келажакда бу орзу-ниятларига ҳам етишига ишонч ҳосил қиласиз.

Гули Нигор АВАЗОВА,
«Постда» мухбири.


Қашқадарё вилояти.

ЁҚИМЛИ ИШТАҲА!

ОЛЧАЛИ ПИРОГ

Масаллик: 300 гр. ун, 250 гр. ёғ, 200 гр. сметана, бир чимдим туз, 60-70 гр. данаксиз олча, бир дона тухум сариги, бир ош қошиқ шакар.

Ун, ёғ ва сметанани аралаштириб, бир чимдим туз қўшинг. Уни совитгичда бир соат сақланг. Хамирни маҳсус қолипга жойлаб бир дона тухум сариги ва бир ош қошиқда шакар қўшилган олчали аралашмани устига суриб духовкада 25 дақиқа пишириб олинг.



ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар:

232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

Манзил: Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.

Мўлжал: Бешёғоч майдони, Муқимий театри.